



**COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА САЛЬМОНЕЛЛЁЗ
БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ ЭПИДЕМИК ЖАРАЁНИНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Саидкасимова Н.С.,

Матназарова Г.С.,

Хамзаева Н.Т.,

Жуманиязова М. К.

Тошкент тиббиёт академияси. Эпидемиология кафедраси.

***Аннотация.** 2020-йилда COVID -19 пандемиясининг бошланиши ва шу муносабат билан эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг жорий этилиши муносабати билан мисли кўрилмаган ҳолат юзага келди. Бугунги кунга қадар ушбу чора-тадбирлар бошқа юқумли касалликлар, шу жумладан салмонеллёз патогенларининг тарқалишига қандай таъсир қилиши мумкинлиги ҳақидаги савол ўрганилмаган.*

Мақсад. Тошкент шаҳрида COVID -19 пандемияси даврида эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг Сальмонеллёз билан касалланишнинг эпидемик жараёнига таъсири баҳолаш.

Сальмонеллёз билан касалланишнинг эпидемик жараёнининг интенсивлиги, динамикаси ва таркибини баҳолаш учун Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Бошқармасининг сальмонеллёз касаллиги билан касалланиши бўйича 1991-2020 йиллардаги расмий ҳисоботлари таҳлил қилинди.

Натижалар. Салмонеллёз билан касалланиш Тошкент шаҳрида 2020 йилда олдинги 2 йилга нисбатан сезиларли даражада паст бўлди ва 100 минг аҳолига 7,2; 2019 йилда 25,2; 2018 йилларда – 15,1 ни ташкил этди. 1995



йилдан 2020 йилгача салмонеллёз билан касалланишни таҳлил қилганда, 2020 йилда касалланиш кўрсаткичи сўнгги 25 йилдаги энг паст кўрсаткич бўлганлиги ва кўп йиллик динамикадаги ўртача кўрсаткичдан 22% га пастлиги аниқланди. 2020 йилда нафақат Тошкент шаҳрида умуман олганда, Ўзбекистонда салмонеллёз билан касалланишнинг пасайиши қайд этилди. 2019 йилга нисбатан у 3 бараварга камайди ва 100 минг аҳолига 7,2 ни ташкил этди. 2020-йилда салмонеллёз билан касалланишнинг йиллик динамикасида ўзгаришлар рўй берди: унинг мавсумий кўтарилиши кузги даврга (сентябр-октябрь) тўғри келиб, 2020-йилда 2018 ва 2019-йиллардаги баҳорги даврда кузатилган характерли мавсумий ўсиш кузатилмади, бунга 2020 йил март ойидан бошлаб ўрнатилган қатъий карантин чора тадбирлари сабаб бўлди. Салмонеллёз касаллиги билан касалланишнинг камайиши катталар орасида сезиларли пасайиш туфайли содир бўлди, бошқа ёш гуруҳларида эса бу кузатилмади. 2018-2020 йилларда аҳолида салмонеллёз ҳолатларига салмонеллаларнинг 61 та серотипи сабаб бо'лган: 2018 йилда – 33 та, 2019 йилда – 32 та, 2020 йилда эса 39 та серотип. 2020 йил бутун дунё COVID-19 пандемияси юзага келганлиги муносабати билан жорий этилган карантин чекловлари салмонеллёз касаллигининг ҳам эпидемик жараёнига ўз таъсирини кўрсатди. Ўрнатилган қатъий карантин тадбирлари муносабати билан аҳолининг жуда кўп қисми асосан уйда бўлдилар. Аҳоли санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қила бошлади. Ваҳимага берилган аҳоли антибиотикларни тартибсиз қабул қила бошладилар, бу бактериологик ташхисотга ўз таъсирини кўрсатди, касалланишни рўйхатга олиш камайди, натижада 2020 йили Тошкент шаҳрида салмонеллёз касаллиги билан умумий касалланиш ҳолати кескин камайиб 182 нафарни ташкил этди. Шундан касалланишнинг 14,8 %ини *S. Enteritidis*, 6,04% ини *S. Typhimurium*, 79,1% ини бошқа салмонеллалар келтириб чиқарган. Салмонеллёз билан касалланишда жинс ва ёш бўйича сезиларли фарқлар кузатилмади.



Хулоса. 2020-йилда пандемия даврида жорий этилган эпидемияга қарши чора-тадбирлар Тошкент шаҳрида катталар орасида *S. Enteritidis* келтириб чиқарадиган салмонеллэз билан касалланишнинг камайишига олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хамзаева, Н. Т., Саидкасимова, Н. С., Матназарова, Г. С., & Ахмедов, Ф. А. (2024). Коронавирус инфекцияси эпидемик жараенининг ривожланиш механизми. *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*, 11(2), 88-94.
2. Хамзаева, Н. Т., Матназарова, Г. С., Саидкасимова, Н. С., & Абдукаххарова, М. Ф. (2024). Тошкент шаҳрида 2020-2023 йиллар мобайнида коронавирус covid-19 инфекцияси билан касалланишнинг ретроспектив эпидемиологик таҳлили. *Ta'limda raqamli texnologiyalarni tadbiq etishning zamonaviy tendensiyalari va rivojlanish omillari*, 31(1), 189-193.
3. Khamzaeva N. T. et al. Coronavirus in the republic of uzbekistan during 2020-2023 retrospective epidemiological analysis of the disease (tashkent city as an example) //World Bulletin of Public Health. – 2024. – Т. 33. – С. 108-114.
4. Хамзаева, Н. Т., & Матназарова, Г. С. (2023). Covid-19 инфекциясидан химояланишда шахсий химоя ва антисептик воситаларнинг аҳамияти. *pedagogik islohotlar va ularning yechimlari*, 1(2), 80-82.
5. Toshtemirovna, X. N., Qudrat o'g'li, S. A., & Sultanovna, M. G. (2024). COVID-19 infeksiyasining epidemiologik raqamli ko'rsatkichi. *IQRO INDEXING*, 8(2).
6. Mirtazayev, O. M., Briko, N. I., Matnazarova, G. S., Saidkasimova, N. S., Toshboev, B. Y., & Khamzaeva, N. T. (2020). Scientific, methodological and organizational bases of management of the epidemic process in case of salmonellosis infection in uzbekistan. *Central Asian Journal of Pediatrics*, 3, 5-14.
7. Toshtemirovna, K. N., Islamovna, S. G., & Sultanovna, M. G. (2023). The Effectiveness Of A New Food Substance-A Hard Gelatin Capsule-" Sedan Bark" Is



Being Studied In Children Who Have Recovered From The Coronavirus. *British View*, 8(3).

8. Khamzaeva, N. T., & Saidkasimova, N. S. (2023). THE EFFECTIVENESS OF A NEW FOOD SUBSTANCE-A HARD GELATIN CAPSULE-«VIZION JUNIOR» IS BEING STUDIED IN CHILDREN WHO HAVE RECOVERED FROM THE CORONAVIRUS. *World Bulletin of Public Health*, 20, 41-45.

9. Toshtemirovna, X. N., Sultanovna, M. G., & Vali o'g'li, M. R. (2023). O 'zbekistonning koronavirusga qarshi kurashishdagi tajribasi, Koronavirus bilan uch yil. *IQRO*, 3(1), 207-211.

10. Матназарова, Г. С., Хамзаева, Н. Т., & Абдуллаева, Ф. О. (2023). Covid-19 Инфекцияси билан касалланиш курсаткичларини беморларнинг жинси, ёши, касби ва кунлар бўйича тахлили. *ILMIY TADQIQOTLAR VA JAMIYAT MUAMMOLARI*, 2(1), 80-81.

11. MATNAZAROVA, G., MIRTAZAEV, O., BRYANTSEVA, E., ABDUKAKHAROVA, M., NEMATOVA, N., & KHAMZAEVA, N. (2020). The new coronavirus-COVID-19 in Uzbekistan. *International Journal of Pharmaceutical Research (09752366)*, 12(4).

12. Саидкасимова, Н. С. ОЦЕНКА ПРОЯВЛЕНИЙ ЭПИДЕМИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА САЛЬМОНЕЛЛЕЗА. Матназарова Г. С.

13. Toshtemirovna, K. N., Sultanovna, M. G., & Mirtazaevich, M. O. "Covid-19 Infectionsining Epidemiologists Khususiyatlari. *Toshkent Shahri Misolid*." *JournalNX*, 589-594.

14. Хамзаева, Н. Т., Матназарова, Г. С., & Расулов, Ш. М. Тошкент Шахрида Covid-19 Инфекцияси Билан Касалланганларнинг Эпидемиологик Тахлили. *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Тошкент Тиббиёт Академияси*, 71.